

## ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ЛАВОЗИМИГА КИРИШИШ ТАНТАНАЛИ МАРОСИМИГА БАҒИШЛАНГАН ОЛИЙ МАЖЛИС ПАЛАТАЛАРИНИНГ ҚЎШМА МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

Азиз ватандошлар, мухтарам Олий Мажлис депутатлари!

Қадри меҳмонлар! Аввало, сиз, ҳурматли Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутatlари ва Сенат аъзоларига, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизга мурожаат қилиб, меннинг Ўзбекистон Республикаси Президенти бўлиб сайланишимга ўз ишончини билдирган юртдошларимга ўзининг самимий миннатдорлигини изҳор этишдан бахтиёрман.

Айни шу фурсатдан фойдаланиб, сиз, азизларимга ўзимнинг чуқур ҳурмат ва эҳтиромимни билдириб, ҳаммангизга соғлиқ-омонлик, бахт-саодат тилайман, қалбимдаги энг эзгу орзу-тилакларимни қабул қилишингизни сўрайман.

Менга билдирилган ишончи ўзим учун аввало улкан масъулият ва катта шараф деб биламан ва яна бир бор айтмоқчиман - бундай юксак, ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайдиган халқ ишончини оқлашга, бажо келтиришга бутун борлигимни сафарбар қиламан.

Қадри дўстлар! Биз эски, ўзини оқламаган мустабид, зўравон тузумдан бутунлай воз кечиб, тақдиримизни ўз қўлимизга олиб, биз учун янги демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган озод ва обод ҳаёт қуришни ўз олдимизга мақсад қилиб кўйиб, амалга ошираётган

қатъий ўзгариш ва ислохотлар натижасида **бугун эришяётган юксак марра ва ютуқларимизни ҳеч ким инкор этолмайди.**

Буларнинг асосий омиллари ва мезони сифатида, ҳеч шубҳасиз, биз танлаган ва дунёда "Ўзбек модели" деб ном олган, машҳур беш тамойил — принципга асосланган, тадрижий — эволюцион, босқичма-босқич ривожланишининг Ўзбекистон йўли нақадар тўғри эканини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда.

Бу моделнинг афзаллиги ва бугун ўзини бутунлай оқлаганини Ўзбекистонга хос бўлган турли табиий, тарихий, миллий, демографик ва экологик хусусиятларни тўла ҳисобга олганида кўрамай.

Мисол учун, қишлоқ хўжалигини оладиган бўлсак, бу соҳада аренда — ижара мулкига асосланган фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга катта эътибор берганимиз, уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаганимиз эвазига бу ҳаракат, ҳеч шубҳасиз, яқин тарихимизда ўчмас из бўлиб қолади, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан. Фермер хўжалиқларимиз бугунги кунда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг нафақат 90-92 фоизини ишлаб чиқармоқда, балки қишлоқ ҳаётининг тараққиётини ўз зиммасига олган ижтимоий-сиёсий ҳаракатга айланиб бормоқда.

Ўзи бугунги кунда мамла-

катимиз ялпи ички маҳсулотининг 56 фоизини ишлаб чиқараётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳақида гапирадиган бўлсак, ҳозирги вақтда иш билан банд аҳолимизнинг 75-77 фоизи бу соҳада меҳнат қилмоқда.

Ўз-ўзидан аёнки, кўп нарсадан далолат берадиган ана шундай кўрсаткич ва рақамлар биз олиб бораётган ислохотларни янада чуқурлаштириш, эртанги кунини, **тараққиётимиз йўлида мустақкам пойдевор бўлиши мумкин.**

Шуни таъкидлаш билан айтишимиз мумкин — айни шу каби ислохотларни амалга ошириш ҳисобидан биз Ўзбекистон иқтисодий-тартиқдор бўлиш суръатларини таъминлашга эришмоқдамиз. Яъни, охириги 10 йил давомида мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 8 фоиздан ошиб кетгани ва 2015 йилда ҳам — шунга ишончимиз бор — бундан кам бўлмайдигани инобатга олсак, барча нарса ўз-ўзидан аён бўлади.

Бундай ютуқларнинг сабабларини биз аввало мард ва матонатли, кўпни кўрган халқимизнинг, одамларимизнинг дунёқараши, сиёсий онги ва савияси тобора юксалиб бораётганида кўрамай. Ва энг муҳими, бунинг сабаби бугунги кунда ҳал қилувчи куч бўлиб майдонга чиқаётган, замонавий билим ва касб-хунарларни пухта эгаллаган, **мустақил**

ва янги фикрлайдиган, Ватанимизнинг эртанги кунини учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган навқирон ёшларимизни биз ўзимизнинг ишончимиз, таянчимиз ва суюнчимиз деб билганимиздир.

Аммо шулар ҳақида сўз юритар эканмиз, бир аччиқ ҳақиқатни эсимиздан чиқармаслигимизни истар эдим. Агарки биз эришган ютуқ ва марраларимиз билан чегараланиб, хотиржамлик, ҳаволаниш ва бепарволик кайфиятларига берилиб кетсак, бундай ҳолат барчамиз йўл қўйган, кечириб бўлмайдиган катта хатога айланиб кетиши мумкин.

Биз XXI асрда — интеллектуал меҳнат ва интернет даврида, глобаллашув замонида яшаётганимизни, ҳаёт тараққиёти ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмаслигини унутмаслигимиз зарурлигини ҳаётнинг ўзи таъкидламоқда.

Бунинг ўстига, жаҳон миқёсида иқтисодий-молиявий инқироз давом этаётгани, рақобат, қарама-қаршилик тобора бешафқат тус олаётгани, радикализм, терроризм, экстремизм каби таҳдидлар кучайиб бораётгани **барчамиздан аввало бир ёқадан бош чиқариб, сафарбарлигимизни янада оширишни талаб қилади.**

Шу борада амалга ошираётган ишларимиз қаторида ҳаётимизни кескин ўзгартираётган демократик ислохотларни тезлаштириш, уларнинг самарасини

ошириш бугунги кунда, ҳеч шубҳасиз, энг долзарб ва зифамизга айланмоқда, десам, янглишмаган бўламан.

Шулар ҳақида гапирар эканмиз, энг аввало, биз учун тўсиқ бўлиб турган, эски мустабид тузумдан қолган асоратларга барҳам бериш ва бугун ҳамон ўз ечимини кутаётган турли муаммоларни ҳал қилишимиз, қабул қилган қонунларимизни изчил амалга ошириш, олиб бораётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш алоҳида аҳамият касб этади. Шу жумладан, биринчи навбатда, ахборот ва сўз эркинлиги, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш ва ҳимоялаш каби ислохотларни янги, юксак босқичга кўтариш — айтиш мумкинки, бу соҳаларда хали қиладиган ишларимиз кўп.

Ҳеч кимга сир эмас, иқтисодий-ишларимизнинг рақобатдошлигини таъминлашдан тўриб, яъни, ишлаб чиқариш соҳа ва тармоқларини модернизация ва диверсификация қилмасдан, технологик ва техник нуқтаи назардан янгилашмасдан туриб, биз ишлаб чиқарадиган маҳсулотларни жаҳон бозори, эртага эса ички бозоримиз ҳам қабул қилмайди.

Бу ҳақиқат ҳаммамизга аён бўлиши керак.

(Давоми иккинчи бетда)

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ЛАВОЗИМИГА КИРИШИШ ТАНТАНАЛИ МАРОСИМИГА БАҒИШЛАНГАН ОЛИЙ МАЖЛИС ПАЛАТАЛАРИНИНГ ҚЎШМА МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Тошкентда 10 апрель кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди.

Тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати аъзолари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, Марказий сайлов комиссияси аъзолари, мамлакатимиздаги хорижий давлатлар элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари раҳбарлари, юртимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Қўшма мажлисни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов очди. У 2015 йил 29 март кунини бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида Ислам Абдуғаниевич Каримов Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганини қайд этди.

Марказий сайлов комиссияси раиси залда ҳозир бўлганлар ва сайловчилар номидан Ислам Каримовни Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайлангани билан самимий табриқлади ва Ислам Каримовга Ўзбекистон Республикаси Президенти гувоҳномасини топширди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 92-моддасига мувофиқ Пре-

зидент Ислам Каримов қасамёд қилди: "Ўзбекистон халқига садоқат билан хизмат қилишга, республиканинг Конституцияси ва қонунларига қатъий риоя этишга, фуқароларнинг давлатлар элчихоналари ва эркинликларига қафолат беришга, Ўзбекистон Республикаси Президенти зиммасига юклатилган вазифаларни виждонан бажаришга тантанали қасамёд қиламан".

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янгради.

Тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов нутқ сўзлади.

Шундан сўнг раислик қилувчи Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлисини ёпиқ, деб эълон қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови халқимиз давлатимиз сиёсатини, иқтисодий-ижтимоий ислохотларни кенг қўллаб-қувватлашини яна бир бор намоён этди. Сайловчилар ушбу муҳим сиёсий жараёнда фаол иштирок этиб, юртимиз тинчлиги ва халқимиз фаровонлиги, Ватанимизнинг буюк келажаги учун овоз берди.

ЎЗА

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишини таъминловчи мустақил суд ҳокимиятини шакллантиришга йўналтирилган кенг кўламли ишлар ва комплекс чора-тадбирлар амалга оширилади.

### Xabar

## Фуқаролик ишларини кўришнинг долзарб масалалари



Одил судловни амалга оширишни таъминловчи ривожланган замонавий талабларга жавоб берадиган қонунчилик базаси яратилди. Умумий юрисдикция судларининг ихтисослаштирилгани уларнинг жиноят ва фуқаролик ишларини малакали асосда кўриб чиқиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини тўла ва ҳар томонлама ҳимоя қилиш бўйича фаолиятини самарадорлигини оширди. Пойтахтимизда "Фуқаролик ишларини назорат тартибида кўришнинг долзарб масалалари" мавзусида ўтказилган дав-

ра суҳбатида шулар ҳақида сўз юритилди. Олий суд ҳузуридаги Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази ва Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристар малакасини ошириш маркази ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда депутатлар, судьялар, прокурорлар, олимлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

(Давоми иккинчи бетда)

### Munosabat

## Тинчлик-осойишталик — тараққиёт ва ёруғ келажак қафолати

Мамлакатимизда 2015 йил 29 март кунини бўлиб ўтган сайлов натижаларига кўра Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайлангани муносабати билан хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар раҳбарлари, хорижий мамлакатларнинг таниқли жамоат арбоблари номидан самимий тилаклар билдирилган қутловлар келиши давом этаётир. Бу қутловларда, авваламбор, Ўзбекистонда тинчлик-осойишталик, сиёсий барқарорлик, иқтисодий тараққиёт ва халқ фаровонлиги юксалиб, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги нуфузи муттасил охиб бораётгани таъкидланмоқда.



Қолаверса, сайлов жараёнларини бевосита кузатган қарийб 300 нафар халқаро ва хорижий кузатувчилар ҳам Ўзбекистондаги тинчлик ва осойишталик, барқарорлик ва ҳамжиҳатлик муҳитига ҳавас қилса арзийди, деб тақдор-тақдор эътироф этишди.

"Кўп йиллардан буён Ўзбекистон бўйича илмий тадқиқот олиб бораман, — дейди Хитойдаги Шанхай халқаро тадқиқотлар ин-

ституту Россия ва Урта Осиёни ўрганиш бўйича маркази профессори, Халқаро иқтисодийни ўрганиш институти директори Ли Синь. — Халқингиз бугунги озод ва обод, тинч ва фаровон ҳаётга қандай машаққатлар билан эришгани ҳақида тасаввурга эгаман. Бугунги сайлов юқори савияда ўтиб, мамлакат тараққиётига хизмат қилишига ишонаман".

(Давоми учинчи бетда)

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида Соҳибқирон Амир Темур хотирасини эъзозлаш, ҳаётни ва фаолиятини чуқур ўрганиш, тартиб этишга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

### Iftixor

## Буюк аждодимизга эҳтиром

Анъанага кўра 9 апрель кунини пойтахтимиздаги Амир Темур хиёбонида Соҳибқирон таваллудининг 679 йиллиги муносабати билан тантанали

тадбир бўлиб ўтди. Унда ёзувчи ва шоирлар, олимлар, талаба-ёшлар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

(Давоми тўртинчи бетда)

### Qonun ijodkorligi

## Тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимояси

бу борадаги қонун ҳужжатлари янада такомиллаштирилмоқда

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қўмиталарида мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш, аҳоли соғлиғи, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва бошқа соҳаларга онд бир қатор қонун лойиҳалари юзасидан муҳокамалар бўлиб ўтмоқда.

(Давоми учинчи бетда)



**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

"Сайлов участкаларида она ва бола, тиббиёт хоналарининг ташкил этилгани диққатини тортиди, — дейди АҚШдаги Глобал ҳамкорлик институти эксперти Марина Барнет. — Биринчи марта овоз берадиган фуқароларга алоҳида эътибор қаратилган. Ёшларни мамлакат сиёсий ҳаётига жалб қилиш давлатда барқарорликни мустаҳкамлашнинг муҳим омилларидан биридир".

"Мамлакатингизнинг минтақада тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш борасида олиб бораётган саъй-ҳаракатлари диққатга сазовор, — дейди Буюк Британиянинг "Pathfinder Trade and Invest" компанияси ижрочи директори Майкл Томас. — Ўзбекистонда қарор топган барқарор муҳит, ҳукм сураётган осойишта ҳаёт мамлакатингиз тараққиётида, унинг халқаро ҳамкорлигининг изчил мустаҳкамлашида ва хорижий инвестицияни жалб этишида муҳим роль ўйнамоқда".

Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Энг муҳими, бу эътирофларнинг барчаси бежиз эмас, албатта. Президентимиз Наврўз байрамига бағишланган тантанали маросимда таъкидлаганидек, бизга, ўзбек халқига нима керак — тинчлик ва омонлик керак, деган даъват эл-юртимиз орасида тобора кенг тарқалиб бормоқда. Бунинг асосий маъноси — бугунги нотинч, кескинлашиб бораётган замон барчамиздан хушёр ва огоҳ бўлишни талаб этаётганини, тинч ва осуда ҳаёт учун, мана шу мусавфо осмон учун курашиш, бутун дунё билан ҳамжиҳат ва ҳамкор бўлиб яшашни билдиради.

Ҳақиқатан ҳам, тинчлик ва омонлик — бир қарашда оддий бўлиб кўринадиган ушбу икки калима замирида ривожланиш, тараққиёт ва фаровонлик тушунчалари ҳам муҳасаса. Шу боис нурунийларимиз дуога қўл очганларида, оиламизга, юртимизга ва бутун дунёга тинчлик ва омонлик тилайдилар.

Бинобарин, дунёдаги бебаҳо бойлик бўлган тинчлик ва осойишталикни кўз қорачигидек асраш масаласи мамлакатимиз раҳбарининг фаолиятида доимо энг муҳим, энг устувор йўналиш бўлиб келмоқда. Давлатимиз раҳбари ҳамisha уқтириб келаётганидек, тинчликни таъминлашга ҳар биримиз масъулмиз.

Айниқса, халқимиз юрак-юрагига сингиб, ҳаётининг мазмунига айланиб кетган "Бизга тинчлик ва омонлик керак" деган эзгу даъват барчамизни янада огоҳ бўлишга чорлайди. Негаки, бугун турли минтақаларда юз бераётган нохуш воқеалар келтириб чиқараётган аянчли оқибатлар ва ўша ҳудудларда тинчлик ўрнатиш осон бўлмаётгани, боз устига, тинчлигимизга таҳдид солиши мумкин бўлган хавф-хатарлар мавжудли-

гини ҳам кўриб, билиб турибмиз.

Дунёда мавжуд ҳозирги таҳдидлар жуда серқирра бўлиб, эндиликда улар бирон давлат ё минтақа билан чегараланиб қолаётгани йўқ. Аксинча, глобал тус олиб, бутун дунёга хавф солмоқда. Жумладан, бугунги таҳдидлар диний экстремизм, миллатчилик ва миллий маҳдудлик, этник ва миллатлараро низоларни ўз ичига қамраб олади. Гарчи, улар турли минтақаларда ўзгача кўринишда намоён бўлаётган бўлса-да, инсоният ва тараққиётга бир хилда хавф

зициямиз ва сиёсатимизни аниқ белгилаб олганмиз.

Бинобарин, минтақамизда ва бутун дунёда юзага келаётган мураккаб геосийсий шароитда бизнинг зиммамизда мамлакатимизнинг хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш, шу муқаддас заминимизда ҳукм сураётган тинч-осойишта ҳаётни сақлаш каби масъулиятли вазифалар борки, юртимизнинг, жондан азиз фарзандларимизнинг бугунги ва эртанги куни уларни қанчалик муваффақият билан ҳал этишимиз-

данияти юксалиши ҳам юртимизда тинчлик ва осойишталикни таъминлашда муҳим роль ўйнаётди. Табиийки, буларнинг барчаси бебаҳо неъмат — тинчлик ва тотувликни таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этган юртдошларимиз тинчлик, миллатлараро ва фуқаролар ўртасидаги аҳиллик тушунчаларини қадрлаб, уларга ўзларини дахлдор, деб билишларини амалда тасдиқладилар. Бинобарин, мамлакатимиздаги тинчлик ва осойишталик — мустақиллик йилларида эришган энг катта ютуғимиз. Шу билан бирга, ҳаётимизнинг барча соҳаларидаги ижобий кўрсаткичларнинг асосий омили — Президентимиз томонидан узокни ўйлаб олиб борилаётган одилона сиёсат, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга йўналтирилган оқилона саъй-ҳаракатлар самараларидир.

Бугунги кунда халқимиз Конституциямизда белгилаб берилган фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш йўлида олиб борилаётган саъй-ҳаракатларни юксак баҳоламоқда. Аҳолининг кўмакка муҳтож қатламни ижтимоий муҳофаза қилиш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган хайрли интилишлар туфайли юртдошларимизда кўтаринки кайфият янада ошиб, мустаҳкамланиб бораёпти. Айниқса, "Кексаларни эъзозлаш йили" деб эълон қилинган ва алоҳида Давлат дастури амалга татбиқ этилаётган жорий йилда бу борадаги барча эзгу саъй-ҳаракатлар янги, янада юксак поғонага кўтарилгани эътиборга моликдир.

Муҳтасар айтганда, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ва босқинча-босқинча ислохотлар диёримизда тинчлик ва омонликни қаролатиш орқали аҳолининг фаровон ҳаёт кечирishiини таъминлашга қаратилган бўлиб, бу амалда ўзининг қулган натижаларини бермоқда. Зеро, тинчлик ва осойишталик бўлган жойда тараққиёт ва юксалиш бўлади, эл-юртнинг саодатли бугуни ҳамда ёруғ келажаги ишончли таъминланади.

Шу жиҳатдан, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови натижалари юртдошларимиз Ватанимизда ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорликни, миллатлараро ҳамжиҳатлик ва диний бағрикенгликни, фуқароларимиз ўртасидаги аҳиллик ва жамиятимиздаги бирдамликни юксак баҳолашнинг ёрқин ифодаси бўлди. Бу, ўз навбатида, юртимиздаги тинчлик-осойишталик — Юртбошимиз томонидан олиб борилаётган изчил ва самарали миллий, ички ва ташқи сиёсат самараси эканининг холис эътирофи ҳамдир.

**Бобомурод РАЙИМОВ,**

«Куч — адолатда» муҳбири

*Qonun ijodkorligi*

## Тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимояси

### бу борадаги қонун ҳужжатлари янада такомиллаштирилмоқда

**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Хусусан, Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси томонидан "Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш бўйича олимлар, мақолали мутахассислар ва экспертларни жалб қилган ҳолда илҳами гуруҳининг йиғилиши ўтказилди.

Ушбу қонун лойиҳаси Демократик бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодийни либераллаштириш соҳасида Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари дастури доирасида ишлаб чиқилган.

Қонун лойиҳасида назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларнинг тадбиркорлик субъектлари фаолиятида текширувларни амалга оширишдаги масъулиятини янада ошириш ва тадбиркорлар фаолиятига асосий аралашши ҳолларини бартараф этиш мақсадида кичик тадбиркорлик ва фермер ҳўжаликлари субъектларида текширувларни амалга ошириш мuddатларини қисқартириш кўзда тутилган.

Шунингдек, қонун лойиҳасида тадбиркорлик субъектлари фаолиятини назорат қилиш амалиётини такомиллаштириш, улар ишининг барқарорлигини таъминлаш, қонунга риоя қилиб ишлайдиган тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашшини қисқартириш масалаларини ҳуқуқий тартибга солишга эътибор қаратилган. Жумладан, қонун лойиҳасида "режали текшириш", "режадан ташқари текшириш", "қисқа мuddатли текшириш" ва "текшириш дастури" каби тушунчаларнинг мoҳияти очиб берилмоқда.

Мақур янги тахрирдаги қонун лойиҳасининг қабул қилиниши, бир томондан, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини давлат томонидан назорат қилишни ҳуқуқий мувофиқлаштириш тизимидаги мавжуд нуқсон ва камчиликларни бартараф этса, иккинчи томондан, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг қафолатли ҳимоя қилинишини таъминлайди. Қолаверса, бу қонун ҳужжати бозор муносабатларини янада ривожлан-

тиришга, умуман олганда, ушбу йўналишда амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлиги ва кўламини янада оширишга хизмат қилади.

Шу ўринда юртимизда қулай ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яратиш, қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ҳамда амалга ошириш учун ортиқча бюрократик ва маъмурий тартиб-таомилларга чек қўйишга доир қонун ижодкорлиги жараёнини изчил давом эттирилаётганини таъкидлаш мақсадида мувофиқдир.

— Ушбу қонун лойиҳасидаги муҳим янгиланган бир нозорат тартибда текшириш кўринишидаги давлат нозоратининг шаклини батафсил тартибга солиш, шунингдек, ҳар бир нозорат қилувчи органда ўтказилган текшириш натижалари бўйича ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан йўл қўйилган қонун ҳужжатлари бузилгани сабабини аниқлашга қаратилган текширишлардан кейинги таҳлил тизимини яратишдан иборат, — дейди кўмита аъзоси Ш.Полванов. — Мақур қонуннинг қабул қилиниши тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг эркинлигини таъминлаш билан бир қаторда, назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг ҳам масъулиятини янада оширишга хизмат қилади.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, қонун лойиҳасини тайёрлашда тегишли давлат идоралари вакиллари, соҳа мутахассислари ва экспертларнинг ширинлиги муҳимроқлар амалий ва қизгин бўлишини таъминлаш баробарида, келгусида қабул қилинадиган қонуннинг ҳаётийлигини таъминлайди ва амалиётда самарали ишлашга хизмат қилади.

Муҳтасар айтганда, мамлакатимизда тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга янада кенг ҳуқуқ ва эркинликлар бериш мақсадида соҳага оид норматив-ҳуқуқий база доимий равишда такомиллаштириб борилаётган бўлиши, миллий иқтисодий тизимни изчил ва барқарор ривожлантиришда, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини юксалтиришда муҳим ўрин тутаётганини қайд этиш айти мuddабдир.

**Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,**

«Куч — адолатда» муҳбири

*Munosabat*

## Тинчлик-осойишталик — тараққиёт ва ёруғ келажақ кафолати



солаётганини англамаслик, тушунмаслик сира мумкин эмас.

Шу маънода, давлатимиз раҳбари бундай хатарли таҳдидларга нисбатан доимий равишда, халқимиз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, ўзининг қатъий позициясини билдириб келмоқда. Хусусан, Президентимиз жорий йилнинг 23 январидан бўлиб ўтган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида бугунги кунда дунёда содир бўлаётган воқеаларни холисона баҳолаб экан, кескинлик ва хавф-хатарларнинг тобора ўсиб, геосийсий қарама-қаршилиқлар, ўз таъсир доирасини кенгайтиришга қаратилган курашнинг, радикализм, терроризм ва экстремизм каби таҳдидларнинг кучайиб бораётгани барчамизни ташвиш ва хавотирга солмасдан қўймайди, деб алоҳида қайд этди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, кўпчилик давлатлар қаторида Ўзбекистонимизда ҳам айни мана шундай таҳликали вазиятнинг олдини олиш, остонамизга қўймаслик, юртимизда бугун ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорлик, меҳр-оқибат муҳитини асраш, шу билан бирга, юз бериши мумкин бўлган ҳар қандай хатарли бурилишларга тайёр бўлиш мақсадида ўзимизнинг қатъий по-

га боғлиқдир.

Бу борада бир зумга бўлсин хушёрликни кўлдан бериб бўлмаслигини ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда. Зеро, терроризм, диний экстремизм, нарқобизнес ва "оммавий маданият" ёки "инсон ҳуқуқлари ҳимояси" никоби остида кириб келаётган турли хавфлар инсоният бошига қандай бало ва офатлар ёғдираётганини кўриб турибмиз. Шундай экан, улар билан сира муроаса қилиб бўлмайди.

Истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида халқимиз қандай юксак натижаларга эришган бўлса, барчаси тинчлик ва осойишталик туфайлидир. Буни суд-ҳуқуқ соҳасида олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар ва қўлга киритилган ютуқлар, хусусан, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасидаги натижалар мисолида ҳам кўриш мумкин. Ўтган йиллар давомида соҳада олиб борилган ислохотлар туфайли юртимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоялашнинг самарали механизми яратилди.

Суд-ҳуқуқ тизими ислохотлари одил судловни амалда қарор топтириш орқали юртимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, тинчлик ва омонликни кафолатлашга хизмат қилмоқда. Аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий ма-

носиб фуқаролар халқ маслаҳатчилигига сайланди.

Ушбу сайлов натижаларини жиноят ишлари бўйича Хоразм вилояти судлари мисолида кўрадиган бўлсак, ўтган йили жами 763 нафар, жумладан, жиноят ишлари бўйича вилоят судига 274 нафар, туман ва шаҳар судларига эса, 489 нафар киши халқ маслаҳатчилари этиб сайланди. Қоидага мувофиқ, уларнинг рўйхати жиноят ишлари бўйича Хоразм вилояти судлари судьялари малака ҳайъатига ҳавола этилди. Сайланган халқ маслаҳатчилари тегишли судларда 2016 йилнинг 31 декабрга қадар ўзaro тенг ҳуқуқ асосида фаолият кўрсатди.

Шуни ҳам қайд этиш зарурки, суд-ҳуқуқ тизимидаги изчил ислохотлар судлов жараёнини

демократик принципларни янада кенг ва жадал жорий этиш имконини бермоқда. Шу жумладан, халқ маслаҳатчилари — судларда жамoатчилик иштирокининг ёрқин намунаси ва судлар томонидан қонуний, асосли ва адолатли қарорлар қабул қилишнинг ишончли кафолати ҳисобланади. Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, халқ маслаҳатчиларининг жиноят ишлари бўйича судлардаги иштироки шахс, жамият ва суд ҳоқимияти ўртасидаги ижтимоий алоқаларни мустаҳкамлаш янада муҳим ҳимоя қилиниши таъминлашда гоятда муҳим аҳамият касб этади.

**Ҳасанбой МУҲАММАДЖОНОВ,**  
жиноят ишлари бўйича Хоразм вилояти судининг судьяси

## ИНСТИТУТИ

судлар фаолиятининг очиклигини таъминлашнинг муҳим омилдир

Агар сайловчилар сони бундан кам бўлса, халқ маслаҳатчилари сайлови бошқа меҳнат жамоалари, ҳарбий қисмлар ҳамда маҳаллаларда ўзаро ҳамкорликда ўтказилади. Сайлов бўйича йиғилишлар ўтказиладиган вақт ва жой ҳақида фуқаролар йиғилишдан уч кун олдин хабардор қилинади.

Сайлов ҳар бир номзод бўйича алоҳида-алоҳида очик овоз бериш йўли билан ўтказилади ва йиғилиш қатнашчиларининг ярмидан кўп овозини олган шахслар халқ маслаҳатчилари этиб сайланади. Йиғилишда раис, котиб ва беш-етти нафар аъзодан иборат раёсат сайланади. Шунингдек,

йиғилишда аённома юритилиб, унга овоз бериш натижалари киритилади ва тегишли тартибда имзоланиб, судьяларнинг малака ҳайъатига юборилади.

Судьяларнинг малака ҳайъати йиғилиш баённомасига асосан, сайлов натижаларини аниқлайди, ҳар бир суд учун алоҳида-алоҳида халқ маслаҳатчилари рўйхатини тuzади ва уни тасдиқлаб, судларга юборади. Айни пайтда сайлов натижалари тўғрисидаги маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича Олий малака комис-

сиясига тақдим этади. Шунингдек, халқ маслаҳатчиларини ўқитиш ишлари қандай бораётгани ҳақида вақти-вақти билан ушбу комиссияга ахборот бериб боради.

Таъкидлаш жоизки, 2011 йил октябрь ойида сайланган халқ маслаҳатчиларининг ваколат мuddати 2014 йилнинг июнь ойида тугади. Шу муносабат билан ўтган йилнинг апрель-май ойларида мамлакатимиздаги барча судларда халқ маслаҳатчиларининг навбатдаги сайлови ўтказилди.

Сайловларни ўтказиш жараёнида халқ маслаҳатчиларига номзодларни танлаш меъёrlарига жиддий эътибор қаратилди. Натижада, ўзи яшаётган, ишлаётган маҳалла ва меҳнат жамоасида обрў-эътибор қозонган, муайян ҳаётий тажрибага эга, яъни ҳар томонлама му-

(Давоми тўртинчи бетда)

Hikmat

Донолар дейдиларки

Инсоннинг одоби бўлиши олтинга эга бўлишдан кўра хайрлидир.

Ҳақиқий олим ўзининг илми билан мақтанмайди, чунки у ўзидан ҳам зўр олим ва фозил борлигини билади.

Кулар юзли, ширин сўзли бўлиш бир эҳсондир.

Одамларнинг муҳаббатини мол-у дунёнинг билан эмас, одоб-у хушмуомалангиз билан қозонасиз.

Қонун инсонийликнинг юксак ифодаси бўлиб, у одамлар тўплаган тажрибадан жамият фаровонлиги йўлига фойдаланади.

Гўзал хулқ — бировга азият етказмаслик, казобини сўндириш, ўзини хотиржам тутуш ва ширинсуханликдандир.

Фазилат бизларни саодатга етказувчи бирдан-бир воситадир.

Оз нарсага қаноат қилган одам давлатманддир, негаки, бундай қаноат унинг маънавий бойлигидан галолат беради.

Iftixor

Буюк аждодимизга эҳтиром



(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Халқаро Амир Темур хайрия жамғармаси раиси Н.Ҳабибуллаев, тарих фанлари доктори Д.Юсупова, шахмат бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси, халқаро гротсмейстер Н.Мўминова ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида маънавият юксалтириш йўлида амалга оширилаётган улкан ишлар жараёнида Амир Темур мероси шижоат, мардлик ва адолат намунаси сифатида кадр ва эъзоз топаётганини таъкидлади. Бинобарин, Соҳибқирон қудратли давлат асосчиси, илм-фан, маданият ва маънавият хомийси, дунё цивилизациясига беқиёс ҳисса қўшган буюк бунёдкордир.

Амир Темур ва темурийларнинг давлатчилиги, илм-фан, маданият, бунёдкорлик, бошқа соҳалардаги улкан ва бой меросини ўрганишга қизиқиш

жаҳон миқёсида тобора ортиб бормоқда. Юртимизда ва хорижда темурийларнинг дунё цивилизацияси равақига қўшган улкан ҳиссасига оид кўплаб асарлар яратилмоқда, илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Булар Соҳибқирон шахсияти ва уни етиштирган замин, тарихий шарт-шароитга доир янги-янги қирраларни кашф этишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, имки ўзбек номини, ўзбек миллатининг куч-қудратини, адолатпарварлигини, чексиз имкониятларини, унинг умумбашарият асосига қўшган ҳиссасини, шу асосда келажакка ишончини англамоқчи бўлса, Амир Темур сиймосини эслаши керак. Бобокалонимизнинг қудратли давлат, адолатли жамият барпо этиши, ўзаро ҳамжихатлик, бағрикенглик, барқарорлик, меҳр-оқибат муҳитини таш-

камлаш, халқ фаровонлигини таъминлашга оид эзгу тамойиллари бугун Ватанимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг асосий мезонига айланган.

Соҳибқирон ўз тузуқларида "Раият аҳволидан огоҳ бўлдим, улуғларини оға қаторида, кичикларини фарзанд ўрнида кўрдим. Ҳар ернинг табиати, ҳар эл ва шаҳарнинг расму одатлари, мизоҳидан воқиф бўлиб турдим. Ҳар бир ўлка ва шаҳар аҳлининг ашроф-улуғлари билан дўст тутиндим", яна бир ўринда "ақли кишилар ва кенгаш соҳиблари, эҳтиёткор, қатъиятли арбоблар, кейинини ўйлаб, олисни кўриб иш юритувчи кекса ва тажрибали кишиларни хос мажлисимга киритиб, уларнинг суҳбатларидан, ишларидан наф олиб, тажрибалар ҳосил қилардим", деб қайд этади. Бу "Куч — адолатда" шioriга амал қилинган буюк салтанатда инсон ва унинг

шаъну шавкати олий қадрият сифатида юксак баҳоланганидан далолат беради.

Буюк бобомиз фаолияти, ўғитлари бугун ҳам бизга дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Юртбошимиз раҳнамолигида инсонни улуғлаш, барча соҳада адолат тамойилига амал қилиш бўйича амалга оширилаётган ислохотлар ва уларнинг юксак самаралари бунга яққол далилдир. Зеро, Соҳибқирон меросини чуқур ўрганиш, тарғиб қилишдан асосий мақсад ҳам ана шу эзгу ниятлардир.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Кексаларни эъзозлаш йили, деб номланган жорий йилда бу борадаги хайрли ишлар янада кенг тус олган. Ҳар бир инсонга, хусусан, ёши улуғ кишиларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, нуруний отахону онахонларни рози қилиб, уларнинг дуою маслаҳатларини олиш ҳаётимизнинг барча жабҳаларида амалга оширилаётган ислохотларда янада ёрқин намоён бўлмоқда.

Ўзбекистон халқ артисти Афзал Рафиқов Амир Темур моголини, ёш шоир Фахриддин Ҳайит Соҳибқиронга бағишланган шеърини ўқиб берди.

Тадбир қатнашчилари Амир Темур ҳайкали пойига гуллар қўйди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Икромов иштирок этди.

Шу кун Темурийлар тарихи давлат музейида "Амир Темур даврида илм-фан ва маданият ривожининг умумбашарий аҳамияти" мавзусида илмий анжуман бўлиб ўтди.

Тадбирда "Амир Темур — ёш rassomлар нигоҳида" кўрик-танловни қўллаб-қувватловчи "Шоҳруҳия — Темурийлар даври бунёдкорлиги ёдгорлиги" кўргазмаси ташкил этилди.

Амир Темур таваллудининг 679 йиллигига бағишланган тадбирлар Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятларда бўлиб ўтмоқда.

Дилшод КАРИМОВ, ЎЗА МУХБИРИ

Garoyib olam

Бугунги кунда оддийгина кўзойнақдан кўпчилик фойдаланади. Маълумки, кўзойнақ нафақат кўриш қобилиятини янада ошириш, балки кўзларимизни шикастланганидан қуёш нури, чанг-тўзон ва шамолнинг таъсиридан ҳимоя қилишда ўта муҳим ўрин тутади.

Биз билган ва билмаган дунё

РАВШАН НИГОҲ ВОСИТАСИ



Албатта, инсоният ҳаётида кўзойнақларнинг ўзига хос яратилиш тарихи бор. Аниқроқ айтганда, кўзойнақ жуда қадимда ихтиро қилинган. Масалан, XII асрда Хитойда ҳакамлар гувоҳлардан ўз нигоҳини яшириш мақсадида сурма ранг кварц пластиналаридан фойдаланган. Бошқа бир тарихий манбаада эса, 1240 йилда Хитойда яратилган китобларнинг бирида қарияларнинг кўриш қобилиятини оширувчи "аити" деб номланган мослама ҳақида айтиб ўтилган.

Бундан ташқари кўзойнақ таққан одамнинг илк сурати 1352 йилда чизилган бўлиб, унда кўзойнақ тақиб, хат ёзиб ўтирган Уго ди Прованс исм-шарифли шахс тасвирланган.

Қадимда шимолий ҳудудларда яшайдиган аҳоли орасида тўқ рангли шишадан ясалган кўзойнақлар тақиб урфга кирган бўлиб, улар кўзни ўта равшан ёруғликдан ҳимоя қилган. Қуёш нуридан асраш учун мўлжалланган илк кўзойнақлар эса, Осиё ва Америка халқлари томонидан яратилган. Бу кўзойнақлар ҳайвонларнинг суякларини терисидан ясалган.

Кези келганда шуни қайд этиш жоизки, кўзойнақ тақиб ҳам дунё халқлари маданиятида ўзига хос маънони англалар экан. Масалан, Испанияда кўзойнақларнинг катта-кичиклиги шахснинг жамиятда тутган ўрнини белгилган. Яъни кўзойнақ қанчалик катта бўлса, унинг соҳибни жамиятда шунчалик юқори нуфузга эга бўлган.

Англияда эса, кўзойнақ ясовчи усталар меҳнати юксак қадрланган. Улар Хунармандлар бирлашмасига аъзо бўлиш учун тўқки йиллик тайёргарликдан ўтиши талаб қилинган. Бирлашмага қабул қилиш учун ўтказиладиган имтиҳон пайтида бўлажак усталар махсус комиссия аъзолари назоратида камида икки жуфт юқори сифатли кўзойнақ ясаб бериши талаб қилинган.

Қадимги Италияда эса, юқори сифатли кўзойнақлар жуда қимматбаҳо буюм сифатида қадрланган. Уша даврда аҳолининг бой табақаси вакиллари кўзойнақларини бошқа мол-мулкларини қаторида авлодларига васият қилиб қолдиришган.

Африкада жойлашган айрим қабил вакиллари орасида бугунги кунда ҳам кўзойнақ тақиб ҳуқуқиға фақат қабиладан энг обрўли аъзолариги

на ҳақли ҳисобланади. Қизиғи шундаки, бу ҳудудда кўзойнақ умуман ойнаси бўлиши ҳам оддий ҳол саналар экан.

Бундан ҳам ажабланирлик шундаки, замонавий кўришнидаги кўзойнақлар пайдо бўлишдан анча илгари инсоннинг кўриш қобилиятини яхшилаш мақсадида силлиқланган кристалл ёки шиша бўлақларидан фойдаланилган бўлиб, улар фақат бир кўз учун мўлжалланган.

Вақт ўтиши билан кўзойнақларнинг кўришни ва уларни тақиб ҳам ўзгариб борган. XVI асрга қадар кўзойнақлар оптик кучи кичик йиғувчи, яъни фақат узокни кўра олмайдиган беморлар учун мўлжалланган. Кейинчалик эса, мутахассислар томонидан оптик кучи катта йиғувчи кўзойнақлар ҳам яратилган.

Мутахассисларнинг фикрича, бугунги замонавий кўришнидаги кўзойнақлар 1284 йилда италиялик ихтирочи Сальвино Д'Армате томонидан яратилган. Айни пайтда дунёда энг кўп кўзойнақ ишлаб чиқарувчи мамлакат — Италия ва Хитой давлатлари саналади.

Шунингдек, дунёдаги энг катта кўзойнақ — голландиялик Эрролд Жессаран томонидан яратилган бўлиб, унинг кенглиги 1 метр 94 сантиметр, линзаларнинг кенглиги эса, 68 сантиметр, ташкил қилган.

Дунёдаги энг қимматбаҳо кўзойнақ Швециядаги модалар уйи томонидан яратилган бўлиб, махсулот фақат махсус буюртма асосида фақат бир нусхада ишлаб чиқарилган. Унинг нархи 408 минг долларни ташкил этади.

Бугунги кунда энг катта шов-шувга сабаб бўлаётган кўзойнақ эса, шубҳасиз, АКШнинг "Google" компанияси томонидан ишлаб чиқарилган "Google Glass" кўзойнағи бўлиб, у "кўзга тақилувчи компьютер" деган номга сазовор бўлган. Икки ядроли чип, бир гигабайт тезкор хотира, 16 гигабайт флеш-хотира, 5 мегапикселли камера, Wi-Fi ҳамда Bluetooth технологиялари билан "курроланган" бу мослама инсонга нафақат кўриш қобилиятини яхшилаш, балки у кўриб турган ҳар бир буюм ва жисм ҳақида тўлиқ ахборот бериш имкониятини тақдим этади.

Интернет материаллари асосида Шахло ХУДОЙБЕРГАНОВА тайёрлади.

(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)

— Берган пулинг газакка ҳам етмайди, яна кўш, — деди пулни санаб кўрган М.Жабборов. Панжи ака яна икки минг сўм узатишга мажбур бўлди.

— Бундан буён ҳар ойда олдинга келаман, — деди М.Жабборов. — Ҳақимни бериб турасан. Акс ҳолда ўзингга қийин бўлади...

Панжи ака бу балога қаердан йўлиқдим, дея ўйлаиб турдию, яна муроса йўлини тутди. Шундан сўнг М.Жабборовнинг гўё чирогога мой қуйилди, ўзининг топқирлигидан мамнун ҳолда дўкондан тарк этди. Шундан сўнг ҳар ой сўнгига дўконга келиб, сотувчидан ўз "улуши"ни ола бошлади. Шу тарзда орадан уч ой ўтди.

Айтиши керакки, М.Жабборовнинг таъмағирлиги охири-оқибат Панжи аканинг жонига теги. М. Жабборовни кўрди дегунча ундан яширинадиган одат чиқарди.

Кунларнинг бирида Панжи ака дўконидан савдо қилар экан, икки нафар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходими кириб келди.

— Жабборов Менгқобил ака устингиздан, "савдо фаолияти билан ноқонуний шуғулланмоқда. Назорат касса машинасидан чек уриб бермайди", дея шикоят ёзган. Шикоят юзасидан текширув ўтказишга келдик, — деди улар.

Панжи ака шикоят билан таништирилгач, текширувчилар ҳам ўз ниятларини очик айтишди:

— Агар Менгқобил ака "аризамни текширмасдан қолдиришларингизни сўрайман", де-

Jinoyat va jazo

Ҳалоллик умр зийнати

ўзгаларнинг ҳақиға кўз олайтириш эса, қонуний жавобгарликка сабаб бўлади

ган мазмунда тушунтириш хати ёзиб берса, ҳаммамизга осон бўлади, — деди.

Панжи ака шу куннинг ўзида Менгқобил Жабборовнинг уйига борди. Уни шикоятчининг турмуш ўртоғи Махфират опа кутиб олди. Панжи ака ёзирган кўйи гап бошлади:

— Менгқобил ака устингиздан ариза ёзибди. Мен ўзи унга нима ёмонлик қилган эканман?

— Шу пайт ичкаридан Менгқобил Жабборов чиқиб келди. Панжи ака уни ўзининг автомашинасида давлат идорасига олиб келди. Шикоят муаллифи бино ичига кирмаслигини айтганидан сўнг Панжи ака текширувчиларга кўнғироқ қилди. М.Жабборов иккала ходимнинг фикрини эшитгач, шикоятчининг текширмасдан қолдирилиши ҳақида тилхат ёзишга ёздию, имзо қўйишга келганда пайсалга сола бошлади.

— Қани, имзо чекмайсизми? — сўрашди ходимлар.

Шунда М.Жабборов Панжи акани бир четга имлаб чақирдию, ўзининг гараж ниятини ошкор қилди:

— Имзо қўйишим учун 400 минг сўм пул, бир қоп ун, беш литр мой берасан, — деди у овозига қатъийлик беришга

уриниб. — Ака, тўғри тушунинг, шунча нарсани сизга қандай бераман?

— Мен сендан миллион сўраётганим йўқ-ку, ука.

— Йўқ, ака, ҳеч иложим йўқ!

Менгқобил Жабборов бироз ўйлангач:

— Бўлмаса, 200 минг сўм, бир қоп ун, беш литр мой берасан, — деди сурбетлик билан.

Панжи аканинг рози бўлишдан бошқа чораси қолмади. Мўмай даромадни қўлга киритган шикоят муаллифи ўз аризасига дарҳол имзо чекди. Шу тариқа Панжи ака дўконлардан биридан 92 минг сўм пул, 28 минг сўмга мой сотиб олдию, 200 минг сўм миқдоридаги нақд пулни Менгқобил ака берди. Пулни кўртдай санаб олаётган Менгқобил ака яна истеҳзоли оҳангда сўз қотди:

— Барибир ҳар ойда бир шиша ароқнинг пулини бериб турасан.

Шу тариқа якка тартибдаги тадбиркор яна бир муддат М.Жабборовга ариза ёзмалиги учун беш минг сўм миқдоридан пул бериб турди. Нима бўлдию, Менгқобил Жабборов пул олгани келмай қўйди. Орадан уч ой ўтгач, Панжи акани Ангор дехқон бозоридан учратиб

қолган товламачи: "Уч ойдан бери пул бермадинг, шу пулни хозир берасан", дея қўсталган қилди. Панжи ака қўлогининг тизгини қўлаб товламачига сўраган пулини берди.

Орадан бир ой ўтгач, Панжи аканинг дўконига яна ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари келиб, Менгқобил Жабборов яна шикоят ёзганини, шикоят юзасидан текширув ўтказишлариға маълум қилишди.

Панжи ака яна М.Жабборовнинг уйига борди.

— Ака, яна ариза ёзибсиз-ку!

— Пул бермай қўйдинг, шунинг учун ёздим.

П.Маждидов шунда ҳам дўконидан бўлган текшириш ҳақида лом-лим демади. Бирок М.Жабборовни синаш мақсадида саволга тутди:

— Аризангиз текширилмаслиги ҳақида хат ёзиб берасизми?

— Агар аввалги совға-саломни қилсанг, тушунтириш хати ёзаман.

— Тушунмадим, аввалги совға-салом нимаси?

— 200 минг сўм пул, бир қоп ун, беш литр мой-да!

Панжи ака уйга қайтгач, ўйлай-ўйлай ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идорага ариза билан мурожаат қилишга қарор қилди.

Куч — АДОЛАТДА

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир: Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.



ТАҲРИР ХАЙЪАТИ:

Шоюнус ГАЗИЕВ, Мавжуда РАЖАБОВА, Кўчкор ТОҒАЕВ, Зарифжон МИРЗАКУЛОВ, Замира ЭСОНОВА, Холмуҳин ЁДГОРОВ, Файрат ХИДОЯТОВ

Навбатчи муҳаррир:

Сардор ҲАМРОЕВ, Саҳифаловчи: Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Манзиллими: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1-уй. Тел.: (8 371) 239-02-54, 241-01-56. Нашр индекси: Якка тартибда: 574, ташкилотлар учун: 575. Буюртма: Г-422. Қўғоз бичими: А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 7363. 1 2 3 4 Топшириш вақти: 20<sup>00</sup> Топширилди: 21<sup>00</sup>